# ХАБАР

XABAR

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

**1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 17 май № 19 (196) ●** Сотувда нархи эркин


## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири Т. Ғ. Раҳимов раислигида вазирлик ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда муҳим аҳамиятга молик масалалар кўриб чиқилди.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва соҳада хусусийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида вазирлик бўлим мудирининг ўринбосари А. Хўжаевнинг ахбороти тингланди.

1996 йилда хусусийлаштирилиши лозим бўлган корхоналар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг қарорида тасдиқланган. Улар 11 та, жумладан иккита корхона (Тошкент таксофон узели ва «Алтай» корхонаси) жорий йилнинг 1 июлига қадар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилади.

Алоқа ташкилотларида мазкур иш вазирнинг буйруғида тасдиқланган йўналишлар негизида амалга оширилади. «Ўзбектелеком» концерни 1996 йилда мазкур ишни амалга оширишнинг аниқ муддатини аниқлади. «Ўзбектелеком» концерни Индонезиянинг «Бакри энд Бродерс» фирмаси билан ҳамкорликда Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари электралоқа давлат корхоналари негизида ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этишни мўлжаллаган. Кореянинг «ДЭУ-Телеком» фирмаси билан ҳамкорликда Фарғона, Наманган ва Андижон давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхоналари негизида қўшма корхоналар тузиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва Тошкент вилоят электралоқа корхонаси Германиянинг «Дойче-Телеком» компанияси билан қўшма корхона тузиш бўйича ҳамкорлик қилишни режалаштирган.

Ҳайъат йиғилишида яна шу нарса таъкидландики, айрим корхоналарда иш қониқарсиз ҳолда олиб борилмоқда. Тошкент таксофон боғламаси, Сирдарё давлат электралоқа ишлаб чиқариш ва «Алтай» корхонаси ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларига риоя қилишмаган. Ҳайъат мазкур корхоналар раҳбарларини огоҳлантирди ва уларнинг ташкилий тадбирлар белгиланган муддатларда бажарилиши ҳақидаги маълумот аризаларини қабул қилди.

«Ўзбекистон почтаси» концернининг пул маблағлари ва почта юбортмаларининг сақланиши бўйича фаолияти хусусида концерн раиси Р. Э. Зикировнинг маърузаси тингланди.

Мазкур масала муҳокамаси жиддий баҳсларга сабаб бўлди. Йиғилишда ҳайъат аъзолари В. А. Кравченко, А. Ҳ. Жўрабоев, Ш. Ш. Исломовлар сўзга чиқиб, концерн ва почта алоқаси корхоналарининг иши талабга жавоб бермаслиги кўпгина муҳим кўрсаткичлар бўйича эса, қаноатланарли эмаслигини айтиб ўтишди.

Хусусан, иш ҳажми 1995 йилда 1994 йилга нисбатан қарийб икки бараварга қисқарган, лекин концерн ва вилоят корхоналари томонидан аҳволни ўнглаш учун амалий чоралар кўрилмаяпти. Хизмат сифати ҳам пасаймоқда. Мижозлардан асосли шикоятлар келиб турибди. Текширувчи ташкилотлар почта юбортмалари ва пул жўнатмаларининг йўқолиши ҳамда ўзлаштирилиши ҳолларини аниқлашмоқда.

Концерн ва почта корхоналари пул маблағлари ҳамда почта юбортмаларининг сақланиши масаласига етарли даражада эътибор беришмаётир. Андижон, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган ва Самарқанд вилоят почта алоқа корхоналарида жиддий қонунбузарликлар аниқланган. Бунинг устига, концерн кўпинча бундай қўпол хатоликлар хусусида бошқа ташкилотлар томонидан ўтказилган текшир-текширлардан кейин хабар топган.

Тармоқ текширишлари керакли натижаларни бермаяпти. Умуман, почта ходимларига талабчанлик, хусусан, пул маблағлари ва почта юбортмаларининг сақланиши масалалари бўйича ҳам талабчанлик сусайиб кетган.

Ҳайъат йиғилишига Алоқа вазири Т. Ғ. Раҳимов якун ясаб, концерн ишига баҳо берар экан, концерннинг ва почта алоқаси корхоналарининг ушбу масалага жиддий ёндошмаганликларини, амалий хулосалар ва аниқ таклифлар билдирилмаганини қайд этиб ўтди.

Концерн ва почта алоқаси корхоналари раҳбарлари ўз ишларини танқидий кўриб чиқишлари, аҳволни ўнглаш, хизмат сифатини яхшилашга қаратилган қатъий чора-тадбир кўришлари керак бўлади. Ҳар қандай қонунбузарликка қарши муросасиз кураш олиб бориш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, тегишли материалларни терговга ошириш лозим. Барча пул маблағлари ва почта юбортмаларининг тўла равишда сақланишини таъминлаш, текшириш ҳамда назоратни кучайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш лозим. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишни яхшилаш, улар билан тарбиявий ва тушунтириш ишларини олиб бориш даркор.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

**А. КУДИНОВ**



**Тошкент шаҳарлараро телефон станцияси ходимлари пойтахтдаги мижозлар учун сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда.**

**СУРАТДА: Корхонанинг етакчи телефончилари.**

**Сураткаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ**

## АНДИЖОНДА СПОРТ БАЙРАМИ

Яқинда Андижон теннис кортида халқаро «Челленжер» чемпионатининг эстафетаси ўтказилди.

Вилоятимиз меҳнаткашлари, шаҳримиз меҳмонлари чемпионат очилишини мароқ билан кузатдилар. Теннис корти олдидаги майдончалар байрамона безатилган, карнай-сурнай наволари билан бошланган спорт байрами дилларга алоҳида завқ бағишлади. Андижон тарихида биринчи марта катта кўламда халқаро мусобақалар ўтказилди. Жаҳоннинг 26 мамлакатидан келган ракетка усталари янги спорт саройида ўзаро беллашдилар. «Челленжер» биринчилиги меҳмонлари бир ҳафта ичида гўзал Андижоннинг тарихий-маданий ёдгорликлари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдилар.

«Челленжер» мусобақалари ўтказилиши муносабати билан шаҳар, шаҳарлараро телефон, телеграф, телекс ва бошқа алоқа воситалари спорт шарҳловчилари эҳтиёжи учун ажратилди. Байрамни кўнгилдагидек ўтказиш учун малакали муҳандис-техник ходимлар алоқанинг узлуксиз ишлашини таъминладилар. Шуни айтиш жоизки, бу хусусда «Челленжер» мусобақаларининг бош ҳаками — Римдан ташриф буюрган синьор Вингенцо Баттоне мусобақаларнинг ташкил этилиши, хусусан алоқа хизматининг сифати ва имкониятларига юқори баҳо берди.

**Раҳмонжон УЗОҚОВ,**
**«Хабар» газетасининг жамоатчи мухбири,**
**Андижон вилояти**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

***Янгиликлар * Воқеалар * Хабарлар***

* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Машҳад — Серахс Тажан темир йўлининг очилиш маросимида иштирок этди. Машҳад аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Эрон ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний кутиб олди.

*** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис шу йил 22-24 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.**

* Шаҳрисабзда Буюк Соҳибқироннинг 660 йиллигига бағишлаб «Экосан» хайрия жамғармаси ташаббуси билан «Амир Темур, табиат ва инсон» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унинг ишида мамлакатимиздаги чет эл ваколатхонларинг вакиллари ҳам қатнашдилар.

***Андижон вилоятида Шаҳрихон — Хонабод янги темир йўли фойдаланишга топширилди. У аҳоли зич жойлашган Асака, Андижон ва Қўрғонтепа орқали ўтади.**

* Фарғона туманининг Лоғон қишлоғидаги 49-мактаб ўқувчиси Лазизбек Зокиров ёш ғижжакчиларнинг халқаро танлови ғолиби бўлди. Лазизбек Республикамиз Президентининг стипендиясини олишга эришди.

*** 17 май куни Москвада Ҳамдўстлик давлат раҳбарларининг олий даражадаги навбатдаги учрашувида Россия Давлат думасининг Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини ҳамда Президент сайловлари арафасида Россиядаги сиёсий вазиятни кўриб чиқиш мўлжалланмоқда. Бир кун илгари эса «тўртлар» шартномасини имзолаган Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон президентларининг учрашуви бўлади.**

* Борис Ельцин шу ойда Чеченистонга бориб, бир-бири билан жанг қилаётган томонларни музокаралар столи атрофига ўтказиш ниятида эканлигини билдирди. У Жоҳар Дудаев ҳалок бўлганлигини тасдиқлаб, марҳум қаерда дафн этилганлиги ҳам маълумлигини айтди.

*** Шанба куни Майями шаҳри яқинида АҚШ самолёти ҳалокатга учради.**

* Кўршапалаксимон махлуқ Мексика қишлоқларини даҳшатга солмоқда.

*** Айғоқчилар машмаси Россия ва Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни таранглаштирди.**

* Афғонистон ҳукумат қўшинлари қарийб 18 ойдан бери «Толибон» мухолифатчилари назорати остида бўлган Вардах вилоятидаги иккита туманни жанглар билан қўлга олдилар.

# АЛОҚА ВАЗИРИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президент девонининг Ахборот марказида республика оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение журналистлари иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Алоқа вазири Т. F. Раҳимов йиғилганлар ҳузурида сўзга чиқиб, алоқа воситларини ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида бизнинг режаларимиз халқ ва давлат манфаатлари ҳамда тижоратнинг янги шаклларини назарда тутган ҳолда жонажон Ўзбекистонимизнинг тобора ривожланиб бораётган иқтисодиёти негизига қурилгандир, деди вазир ўз сўзида.

Биз шу ҳолдан ғоят мамнунмизки, дея нутқини давом эттирди у, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожолантириш, бошқариш ва хўжалик юритишга тегишли хизмат кўрсатиш, аҳолига керакли турмуш қулайликларини яратишда алоқа воситалари нақадар улкан рол ўйнашини ҳукуматимиз ва барча хўжаликлар раҳбарлари ҳам яхши тушунадилар. Бу ҳол жамиятнинг тараққиёт даражасини кўрсатувчи муҳим омиллардан биридир.

Кўп ишларни уддаладик деб айтолаймиз, албатта. Ҳар қалай, бир қатор муаммолар ечимини топмоқда. Жумладан, қарийб уч йил аввал Япониянинг НЭК фирмаси билан ҳамкорликда Тошкентда бир неча ўн каналли юқори сифатга эга бўлган халқаро йўлдошли алоқа станцияси қурилди. Ўша пайтда туркиялик ҳамкасбларимиз иштирокида кўп каналга эга йўлдошли алоқа станцияси ишга туширилди. Мазкур станциялар республикамизни мустақил алоқа каналлари бўйлаб жаҳонга бемалол чиқиш имконияти билан таъминлабгина қолмай, унинг жаҳондаги замонавий телекоммуникация технологияси томон дадил қадами ҳам эди.

Айни чоғда пойтахтимиз телефон тармоғида халқаро алоқа линиялари муаммоси кескинлигича қолмоқда.

Радиорелели линияларни қуришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Германиянинг «Алкатель» ва Японияниг «Мицуи» фирмалари радиорелели қурилмаларини етказиб бердилар, улар ўрнатилиб, қарийб бир йилдан буён ишлаб келмоқда. Туркия фирмаси иштирокида Тошкент ва Самарқандда замонавий АТС қурилди. Туркиянинг «Неташ» фирмаси билан ҳамкорликда пакетли коммутация билан маълумот узатиш тармоғи — ЎзПАКни яратиш бўйича ишлар амалга оширилди. Япония, Италия, Буюк Британия, Испания, Малайзия, Индонезия, Покистон ва бошқа қатор мамлакатлардаги компаниялар билан ҳамкорлик қилиш бўйича вазифаларимиз белгилаб олинди.

Хорижий ҳамкорлар иштирокида Тошкент ва Урганчда иккита алоқа заводи қурилмоқда. Мазкур заводларда алоқа корхоналари жуда муҳтож бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Мазкур заводлар қурилишига Кореянинг ДЭУ-Телеком ва Грециянинг «NUSWIFT SERVICES LTD» фирмалари бош қўшишган.

1996 йил мобайнида 300,0 минг номерли янги рақамли АТСларни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Телефон станциялари қувватининг ўсиши 192,0 минг рақамдан кўпроқни ташкил этади. Транс-Осиё-Европа шиша-толали магистралида алоқа кабелларини ёткизиш 807 километр узунликка етказилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган муҳим йўналишлардан бири корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўлиб, бу алоқа воситларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Биринчи босқичда асосий фаолиятдан ташқаридаги объектлар — қурилиш, лойиҳалаш, саноат ишлаб чиқариш, моддий-техника таъминоти, матбуот тарқатиш корхоналари, ҳиссадорлик жамиятларига, ижара ва жамоа корхоналарига айлантирилди.

Ҳиссадорлик жамиятлари ва қўшма корхоналарда бугунги кунда 2008 киши меҳнат қилмоқда, ишлаб чиқариш ҳажми 1995 йилда 212,8 миллион сўмни ташкил этди, аҳолига 251,7 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

«Ўздунробита» уяли алоқа ва «Камалак-ТВ» эфир-кабель телевидениеси бўйича Америка фирмаси билан тузилган қўшма корхоналар, «Комтел», «Алтел», «Ўзалоқайўлдош» қўшма корхоналари каби ҳозирда мавжуд қўшма корхоналарга қўшимча равишда яна бир қатор янги қўшма корхоналар тузилди.

Индонезиянинг «Бакри энд Бродерс» фирмаси билан уяли алоқа қўшма корхонасини ташкил этишга тааллуқли ҳужжатлар имзоланди.

Асосий фаолият алоқа корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳукумат қарори асосида бошланган иккинчи босқичи амалда барча электралоқа корхонларини қамраб олади ва хорижий фирмалар билан ҳамкорликдаги қўшма алоқа корхоналари, жумладан, объектлардан фойдаланиш бўйича қўшма корхоналар тузишга йўналтирилади.

Вазирликнинг энди аввалги шартларда кредитлар олиш мўлжали йўқ. Қўшма корхоналар ташкил этилади, хорижий сармоядорлар жалб қилинади.

Почта алоқаси «Ўзбекистон почтаси» давлат корхоналари концерни раҳбарлигида амалга оширилади. Вазирликка қарашли бу тармоқда муаммолар кўп, иш ҳажми камаймоқда, тармоқ қисқармоқда. Хизмат кўрсатиш сифати айрим жойларда талаб даражасида эмас. Нафақа ва хайрия тўловларида қонун-қоидаларни бузиш ҳоллари мавжуд. Бундай нохуш ҳолларга қарши кураш олиб борилмоқда. Радио ва телевидение корхоналари ишида талайгина муаммолар йиғилиб қолган. Бу масалалар бўйича ҳам дастур ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Алоқа вазирининг ахборотидан сўнг унга саволлар берилди. Уларнинг кўпчилиги пойтахт телефон тармоғининг иш сифати ва қайта таъмирлаш истиқболларига тааллуқлидир. Кўпгина саволлар радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни такомиллаштириш масалаларига тааллуқли бўлди. Вазир барча саволларга батафсил жавоб қайтарди. Нотиқ ўз сўзида Тошкент шаҳар телефон тармоғини қайта таъмирлаш бўйича асосий ишлар яқин икки-уч йил мобайнида амалга оширилишини, шундан кейин янги бир босқичга қадам қўйилишини айтиб ўтди. «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. М. Бикметов, «Ўзимпексалоқа» корхонаси директори В. Г. Будагов, Алоқа вазирлигининг бўлим бошлиғи Х. Каримовлар ҳам журналистларнинг айрим саволларига жавоб беришди.

**К. АЛИЕВ**



**Бекобод шаҳар электралоқа тармоғи 2-АТСида 18 йилдан буён хизмат қилиб келаётган Наталя ИБШЕРОВА ҳамкасблари орасида обрў-эътибор қозонган. Ҳамкасблари унинг электромеханик сифатида алоқа каналларини текширишдаги синчковлиги, билимдонлигига ҳавас қилишади.**

**Сураткаш Солиҳ ЗОИР**

# ФАРҒОНА ЯНГИЛИКЛАРИ

Фарғона вилоят электралоқа ва почта алоқа корхонаси ҳамда вилоят касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ташаббуси билан вилоятдаги уруш ногиронларидан 32 нафари Фарғона шаҳридаги «Импульс» алоқачилар профилакториясида бепул дам олишди. Улар билан ўтказилган қизиқарли учрашувга почта ва электралоқа корхоналаридан меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Йиғилишда вилоят касаба уюшма қўмитаси раиси А. Усмонов фахрийларга қимматбаҳо совғалар топширди. Йиғилишда вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Убайдулло Абдуллаев, вилоят почта ва электралоқа корхоналари бошлиқлари Нўъмонжон Каримов ва Улуғбек Султоновлар иштирок этишди.

* * *

Бағдод туман почта алоқа корхонаси аҳолига намунали почта хизмати кўрсатмоқда. Яқинда туманда футбол биринчилиги учун мусобақа ўтказилди. Унда почта алоқа корхонасининг «Почтачи» командаси фахрли 7-ўринни олди. Мусобақада «Почтачи» командаси аъзоларидан Шарифжон Ўсаров, Маъруфжон Каримов, Равшанбек Қамбаров ва бошқалар ўзларининг чиройли ўйинлари билан ишқибозларни хушнуд этдилар.

**Расулжон ҚАМБАРОВ,**
**Бағдод туман почта алоқа корхонаси бошлиғи**

# ҲАЛҚАРО АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

Австрия пойтахтининг Вена шаҳрида Транс-Осиё-Европа шиша толали алоқа (ТОЕ) кабель магистрали ишчи гуруҳининг Х йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси таркибида «Ўзбектелеком» концернидан вакиллар иштирок этишди.

Ишчи гуруҳининг йиғилишида ТОЕ шиша толали алоқа кабель магистрали узатиш алоқа тармоқларини синхронлаштириш ва молиявий масалалар кўриб чиқилди. Биринчи масала бўйича Австрия телекоммуникация компанияси ва «Дойче Телеком» вакиллари сўзга чиқишди. Халқаро Электралоқа Кенгаши ишлаб чиққан таклифлар кўриб чиқилди.

Анжуманда Ишчи гуруҳининг кейинги йиғилишигача синхронлаштириш хусусида сўнгги таклифни Бошқарув Комитетига олиб чиқиш ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, ТОЕ шиша толали алоқа кабель магистрали қурилиши билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон делегацияси муҳокама этилган масалаларни қўллаб-қувватлади. Анжуманнинг кўтаринки ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтганлиги иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Раҳматжон ЮНУСОВ,**
**«Ўзбектелеком» концерни раисининг ўринбосари**

# ТЕЛЕГРАФЧИЛАР КЕНГАШИ

Самарқандда телеграф алоқасига бағишланган республика кенгаши бўлиб ўтди. Унда телеграф алоқаси соҳасининг етакчи мутахассислари, республикамизнинг барча вилоятларидаги давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхоналари, «Ўзбектелеком» концерни ҳамда Тошкент Марказий телеграф станциясидан вакиллар иштирок этишди.

Кенгашда телеграф алоқаси ривожи ҳамда алоқа техникасига оид янгиликлар, шошилинч-номаларни қабул қилишда замонавий компьютерлардан фойдаланиш истиқболлари ҳақидаги қизиқарли маърузалар тингланди. Шунингдек, телеграф алоқаси хизматини янада яхшилаш учун ҳамкорликда ўтказилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди. Бундан буён илғор тажрибалар борасида ўзаро фикр алмашиш тўғрисида келишиб олинди.

# ЯНГИ ПОЧТА БЛОКИ МАРКАСИ

«Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази томонидан Орол денгизи фожиасига бағишланган янги почта блоки маркаси муомалага чиқарилди.

Республикамизда биринчи бор ушбу халқаро почта блоки маркасини муомалага чиқаришда Марказий Осиё давлатларининг алоқачи ходимлари иштирок этишди.

Блок бешта маркадан иборат бўлиб, унинг четида Ер пла-




нетасида Орол денгизи ҳавзасининг ноёб ҳайвонот дунёси акс эттирилган. Булар катта куракбурун, қорақол, йўл-йўл сиртлон, чўртансимон оқ қайроқ, Амударё ласоси. Ушбу маркалар халқарор миқёсга эга бўлганлиги учун ундаги ёзувлар инглиз тилидадир. Экологик фалокат натижасида дарёларнинг қуйилиш жойлари ва бепоён ўтлоқларда 400 дан ортиқ турли қушлар ва бошқа ҳайвонлар бутунлай йўқ бўлиб кетди. Эндигина ривожланиб келаётган балиқчилик саноати ҳам нобуд бўлди. Ерларнинг эррозияси натижасида бутун бошли қишлоқлар, ўтлоқлар, экин экиладиган ерлар қум остида қолиб кетяпти, бу ҳудуднинг саҳрога айланиш хавфи тезлашмоқда. Орол регионни фожиаси — бутун ер юзи фожиасидир.

Орол денгизи фожиасининг авж олишини тўхтатиш ва бу регионни соғломлаштириш мақсадида Марказий Осиё давлатлари Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ташкил этдилар.

Экологик фожиа билан курашишда халқаро жамғармага БМТ, ПРООН, ЮНЕП ва ЮНДП каби обрўли халқаро ташкилотлар керакли миқдорда, ҳар томонлама ёрдам беришяпти.

Янги почта блокининг нашр этилиши Орол ҳавзаси фожиасига дунё жамоатчилиги диққатини қаратиш ва муаммони ҳал этиш учун урилган бонгдир.

Муомалага чиқарилган Орол денгизи фожиасига бағишланган маркаларга махсус тамға босиш тадбири Тошкент, Нукус, Урганч шаҳарларида бўлиб ўтди.

# МУБОРАК МАКТУБЛАР

**Абдураҳмон Жомий —Алишер Навоийга**

Узрхоҳлигимиз ва бандаи ожизлигимиз изҳоридан сўнг, тилагимиз шулки, мавлоно Амир Ҳайдар баъзи бадфеъл улфатларининг касри била осийлиги туфайли подшоҳи Ҳумоюн фармони ила ҳибсга олинганидан хабарингиз бор. Энди маълум бўлдики, ул зот (Амир Ҳайдар) мажбурий узлат туфайли бўш вақти кўпайиб, ношуд дўстлари гапига учиб қилган номаъқул ишлари туфайли шу ҳолга тушганидан афсус-надомат чекмоқда. Агар толеи насиб этиб, бандиликдан холос топса, минбаъд ҳеч бир душман билан дўстлашмасликка ва ҳеч мусулмон билан низолашмасликка аҳд қилибдур. Умид қилурмизки, Ҳақ таолонинг марҳамати билан мавлоно Ҳайдар ўшал аҳдида мустаҳкам турғай. Астрободдан баъзи асҳобларингиз юборган мактублардан кўринадики, аморатмаоб — амирлар пуштипаноҳи (Султон Ҳусайн) ҳам мазкур аслзода маҳбусни озод этиш фикрида экан. Шул боисдан ҳазрати амир (Алишер) лутфу марҳамат кўрсатиб, ул зотни халосликка чиқарсангиз, шоҳона лутфу карамлари туфайли сизга яқин бандалар қаторидан ўрин олур, деган умиддамиз.

* * *

Дуои саломдан сўнг, илтимосимиз шулки, ушбу мактубни элтувчи кишининг қизи бир одамнинг никоҳига ўтибди. Қиз ҳали отасининг уйида эканида яна бир одам келиб, «Бу қиз аввал менинг никоҳимга ўтган эди, мана, гувоҳларим бор!» деб, тўполон қилмоқда экан. Иккинчи одам бадфеълроқ экан (қиз буни билиб қолиб, бу никоҳдан воз кечган шекилли — М.М). Қизнинг отаси ислом имомларидан (аҳволни тушунтириб) иккинчи одамнинг никоҳ шартномаси эътиборга лойиқ эмас, деб фатво чиқартириб олибди. Аммо иккинчи даъвогар бадфеъл ва нодон киши экан, қизнинг отасига дўқпўписа, таҳдид қилиб қийнаётган экан. Ҳазрати Мир (Алишер)дан илтимос шулки, марҳамат қилиб шул мусулмон одамга ва фарзандига ҳалиги жоҳил зиён-захмат етказмасин учун чора-тадбир кўрсангиз. Сизга ҳамиша Худо мададкор бўлсин, деб фақиру ҳақир Абдураҳмон ЖОМИЙ.

* * *

Дуои саломдан сўнг, хабар қилурмизки, мавлоно Хожа (Убайдуллоҳи Аҳрор) Ҳиротга мактуб ёзиб, амир Саъид Нурбахшни ўз ҳузурига чорлаган экан. Бу одам илтимос қилмоқдаки, Мир (Алишер) ҳазратлари лутфу марҳамат кўрсатиб, шу кишини (Мовароуннаҳрга) Хожа даргоҳига жўнаб кетиши учун саъй-ҳаракат қилсангиз.

Аллоҳ сизга мададкор бўлсин, деб фақиру ҳақир Абдураҳмон ЖОМИЙ.

**Асомиддин Ўринбоев нашр этган «Абдураҳмон ЖОМИЙ мактублари альбоми»дан Маҳкам МАҲМУД таржимаси**



Лев ТОЛСТОЙ

# МАСАЛ

## *ҚАРҚАРА, БАЛИҚЛАР ВА ҚИСҚИЧБАҚА*

Ҳовузда яшаётган қарқара қарибди ва балиқ тутишга ҳоли қолмабди. Энди у айёрлик билан тирикчилик ўтказиш пайига тушибди. Қарқара балиқларга шундай дебди: «Эй балиқлар, бошингизга қандай оғир савдо тушаётганидан бехабарсиз: одамлардан эшитдим, улар ҳовузнинг сувини қуритиб, ҳаммангизни тутиб олишмоқчи. Мана шу тоғнинг нарёғида яхши бир ҳовуз бор. Бажонидил ёрдам берардиму қариб қолганман: учишим қийин».

Балиқлар қарқарадан ёрдам сўраб, ёлборишибди.

Қарқара шундай дебди:

«Майли, сизлар учун уриниб кўраман, фақат ҳаммангизни бирдан эмас, алоҳида-алоҳида кўтариб учаман».

Балиқлар суюниб, илтижо қила бошлашибди: «Мени кўтаргин, мени кўтаргин!»

Қарқара балиқларни бирма-бир кўтариб уча бошлабди: далага олиб чиққанини битта қўймай қийратаверибди. Анча-мунча балиқнинг ёстиғини қуритибди.

Ўша ҳовузда бир кекса қисқичбақа ҳам яшаркан. Қарқара балиқларни элтаётганини кўргач, нимкосани пайқабди ва шундай дебди:

«Хўш, қарқаравой, энди мени ҳам янги жойга элтиб қўй-чи!»

Қарқара қисқичбақани кўтариб учибди. Далага чиқиши ҳамон қисқичбақани ташлаб юбормоқчи бўлибди. Аммо қисқичбақа далада сочилиб ётган балиқ суякларини кўрибди-ю, қарқаранинг бўйнига чангал солиб, бўғиб ўлдирибди, ўзи ҳовузга қайтиб, бор гапни балиқларга айтиб берибди.

*** Бу қизиқ**

# ЧОЙ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

Чой ўсимлигининг асл ватани Жанубий-Шарқий Осиё ҳисобланади. Жумладан, Хитой, Бирма, Ҳиндистон каби мамлакатлардан чой аста-секин дунёнинг бошқа мамлакатларига тарқалган.

Хитойда мавжуд бўлган манбаларга қараганда, чойнинг шифобахшлиги эрамиздан 2700 йил муқаддам ҳам маълум бўлган. Эрамизгача бўлган III-IV асрларда чойзор — плантациялар ташкил қилинган. Даставвал чойдан доривор гиёҳ сифатида, асосан «кўнгил очувчи», бош оғриғини фориғ этувчи, кўзнинг кўриш хусусиятини оширувчи омил сифатида фойдаланилган. Чойли бўтқа бод ва белангига даво ҳисобланган.

Чой ўз даврида жуда қимматбаҳо ва ноёб маҳсулот сифатида қадрланган, уни ҳоқонлар ўзларининг яқин кишиларига, катта хизматлари эвазига тортиқ қилганлар. Маълумотларга қараганда, Хитойда IV асргача чойдан фақат бадавлат ва нуфузли кишилар шифобахш омил сифатида фойдаланган бўлиб, X асрдан бошлаб умумхалқ истеъмолига кириб борган.

Чой қадимий қўлёзмаларда «тоу», «тсе», «кха», «чунг», «минг» деб юритилган. Эрамизнинг IV-V асрларида чой ўсимлигининг жуда мурғак баргларидан энг аъло навли чойлар тайёрланган. Бу олий навли чой «ча», яъни «мурғак баргча» деб аталган.

Хитойча «ча-и» сўзи тайёр қуруқ чой маъносини беради. Ҳозирги ўзбекча «чой» сўзи мўғилча «цай» сўзидан олинган бўлса, ўрусча талаффузидаги «чай» сўзи португалча «чаа» сўзидан олинган. Шунингдек, «чой» сўзи арабларда «шай», Ҳиндистон, Покистон ва Бангладешда «чхай», қалмиқларда «ця», японларда «тья» деб аталади. Лотинча чойнинг атамаси «теа» деб қабул қилинган. Ҳозирда французлар чойни «тэ», инглизлар ва яна бир қатор Европа халқлари «ти» деб аташади.

**«Хосиятли ичимликлар ва шарбатлар» китобидан**

Муҳаббат — дутор, эҳтиёт қилиб тутмасанг, тоб ташлайди.

* * *

Муҳаббат чақмоқдай кўнгилдаги ҳар қандай қора булутни ҳам тилка-пора қилади.

* * *

Муҳаббат чақмоққина эмас, одамга ўхшайди, туғилганда бир парча гўшт бўлади, кейин кўзини очади, кейин кулдиргич пайдо қилиб илжаяди, кейин тил чиқариб ҳар куни янги бир гап айтади.

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲИКМАТЛАРИ

* * *

Муҳаббат ва оила масаласида хато қўйилган қадам, суднинг ҳукмидай, ҳеч қачон ва ҳеч ким тузата олмайдиган хато бўлади. Суднинг янглиш ҳукми билан турмада ўтган вақт, янглиш қурилган оилада ғурбат билан кечган умр ҳеч қачон қайтмайди.

* * *

Ташаббус эркакдан бўлиши керак, булбулнинг ҳам эркаги сайрайди.

*• Муштарийлар ижодидан*

# БАҲОР ЧИЗГИЛАРИ...

Самода қайтадан ажиб бир уфор,
Мовий кўк юзида қатра-қатра ёш.
Мизғиган қалблардан тарқатиб ғубор,
Ҳарир пардалардан чарақлар қуёш.

Куртаклар ниш уриб, чечаклар ғужғон,
Табиат кўз очур қиш уйқусидан...
Интиқ кўнгилларда мавжланар туғён
Тириклик неъмати, ишқ туйғусидан.

Қўшнимиз боғида бодом гуллади,
Фусункор сеҳрлаб вужудни, онгни.
Пуштада оҳиста лола кулади,
Юмуқ лаблари-ла қаршилаб тонгни.

Субҳидам... маст дилда майин бир наво,
Шуурни қитиқлар илҳом париси.
Во ажаб, кўнгилга нур бўлса ошно,
Бўлмаскан, шоирнинг ёшу қариси!

**Неъматулла ЮНУСОВ,
Тошкент Электротехника алоқа институти доценти**

**• Мерос**

Алишер НАВОИЙ

# ШАХМАТ ЎЙИНИ ҲАҚИДА

Шахмат ўйнагувчи икки устод шахмат тахтасини очиб, икки томонга ўтирди ва ўртада шатранж шахмат доналарини теришди. Ҳар тарафдан бир шоҳ ва уларнинг хизматкорлари, лашкарлари бор эди. Ҳар бирининг тўғри юрувчи вазири руҳлар бўлиб, яна биттадан эгри юрувчи фарзинлари ҳам бор эди.

Бу шоҳлардан бири Рум аҳлига шоҳ бўлса, иккинчиси занг аҳли (қоралар)га кишварпаноҳ эди. Устод шоҳ ва бошқа доналарни териб, уларга зебу оройиш бериб, тахтада саф торттирарди.

Шундан сўнг рақиблар майдонга от солиб, у ерда жавлон урган ҳолда турли ўйинлар кўрсатдилар. Бу ер гўё уруш майдони ва ўраб олинган қалъага ўхшар эди. Бир томон иккинчи томонни мағлуб этишга қаттиқ киришган. Уруш сафларида фил ҳам, жирафа (Зарофа) ҳам, айиқ ва кашшофа ҳам бор эди.

Қўшинлар уруш низомига биноан бир-бирларига турли ўйинлар кўрсатиб, жанг қилмоқда эдилар. Бир томон ўз лашкарларини пистирмада беркитган бўлса, иккинчи томон бу қўшинни бузиш тадбирларини кўрарди.

Ўртада ажойиб, қизиқ ўйинлар бўлмоқда, балки беҳад ҳийла ва тадбирлар кўрилмоқда эди. Бунда паҳлавон ва қўмондонлар ҳам бир-бирига ҳужум қилишарди. Бу ҳолат гўё икки қаҳрамон шоҳнинг қўшин тортиб, бир-бирига қарши урушаётганига ўхшар эди.

Бунча қўшин ва дабдаба, қалъа, майдон, от чоптириб жавлон уришлар, чекиниб қочишлар, ҳам ўнг қанот, ҳам чап қанотда, ҳам қўшиннинг қисмида ана шу хил ғавғолар билан жанг бормоқда эди.

...Бир пиёда рақиб ёқдан келиб, тез айланувчи чарх ёрдамида майдонда қаҳрамонлик кўрсатар, ёлғиз ўзи бутун бир қўшинни дафъ эта оларди.

...Бунинг барчаси истиғно (фалак, тақдир ўйини), балки унинг бир кўринишидур. Бас, сен бу таҳсил (рамз)га назар сол, асл истиғнони (тақдир ўйинини) бундан юз минг марта зиёда деб бил. Агар бунинг маъноси томон йўл топсанг, барча ишни шунга қиёс қилгил!

**«ЛИСОНУТ-ТАЙР»дан**

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Саид СИДДИҚОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0286. 10874 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

